

# Kimyo o`qitish metodikasi

*5110300 - Kimё ўқитиш методикаси* - умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун математика бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

## **5110300 – *Kimё ўқитиш методикаси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи**

### **4.1 Бакалаврнинг касбий фаолият соҳаси**

*5110300 – Kimё ўқитиш методикаси* – умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун математика бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

### **4.2 Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари**

*5110300 – Kimё ўқитиш методикаси* таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари – умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, ўқувчилар, ўқув-тарбия жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари, кимёвий усуллар.

### **4.3 Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари**

*5110300-Kimё ўқитиш методикаси* таълим йўналиши бўйича бакалавр ўз психологик-педагогик, касбий тайёргарлигига мувофиқ қуйидаги касбга оид фаолият турлари:

- *ўқитувчилик;*
- *тарбиячилик;*
- *ўқув-методик;*
- *илмий-тадқиқот.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади.

### **4.4 Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари**

**5110300 – Кимё ўқитиш методикаси** таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва махсус тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни ечиши керак:

- **ўқитувчилик:** умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида математика ўқитувчиси бўлиб ишлаш;

- **тарбиячилик:** умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

- **ўқув-методик:** мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

**илмий-тадқиқот** муассасаларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш ва бошқалар.